

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI  
OLIY ATTESTATSIYA  
KOMISSIYASI**



**SUPREME ATTESTATION  
COMMISSION  
AT THE CABINET OF MINISTERS  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

100047, Toshkent sh., Y. G'ulomov ko'chasi, 70  
Tel.: (71) 233-28-83. Fax: (71) 233-06-47  
e-mail: info@oak.uz www.oak.uz

70, Y. Gulomov str., Tashkent, 100047  
Tel.: (71) 233-28-83. Fax: (71) 233-06-47  
e-mail: info@oak.uz www.oak.uz

Javob qaytarganda shu № ko'rsatilsin  
When you answer show this №

№ 01-11/179/3 « 2 » - 2 2022 y.

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
хузуридаги DSc.03/30.01.2021.I.16.03  
рақамли илмий кенгаш раиси  
Г.Қ.Абдурахмоновага**

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Сизнинг 2022 йил 19 январдаги 04-04/6-294-сон хатингизга жавобан 08.00.01-«Иқтисодиёт назарияси» ихтисослиги бўйича малакавий имтихон комиссияси таркиби маъқулланганини маълум қилади.

Иолва: 1 varaқ.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт фанлари бўйича эксперт кенгаши тавсияси (24.01.2022 й., №1); Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг қарори (31.01..2022 й., №311/4).

**Бош илмий котиб**

**А.Шермухамедов**

Ижрочи: М.Саипова

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги  
DSc.03/30.01.2021.1.16.03 ракамли илмий кенгаш раиси тақдимномаси

Ўзбекистон Республикаси ОАК Иқтисодиёт фанлари бўйича эксперт  
кенгашининг тавсиясига (24.01.2022, №1) асосан

**08.00.01 - “Иқтисодиёт назарияси” ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон  
қабул қилиш комиссияси**

**ТАРКИБИ**

| Т/р | Ф.И.Ш.                                            | Иш жойи, лавозими, илмий даражаси, илмий<br>унвони, ихтисослик шифри                                 |
|-----|---------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1.  | Гафуров Убайдулло<br>Вахабович (раис)             | Тошкент давлат иқтисодиёт университети,<br>кафедра мудири, иқтисодиёт фанлари<br>доктори, профессор. |
| 2.  | Хажиев Бахтиёр<br>Душабоевич<br>(раис ўринбосари) | Тошкент давлат иқтисодиёт университети,<br>кафедра мудири, иқтисодиёт фанлари<br>номзоди.            |
| 3.  | Абдуллаева Мадина<br>Камиловна (котиб)            | Тошкент давлат иқтисодиёт университети,<br>кафедра доценти, иқтисодиёт фанлари<br>номзоди.           |
| 4.  | Абдуллаев Суюн<br>Артикович                       | Ўзбекистон жаҳон тиллари университети,<br>кафедра доценти, иқтисодиёт фанлари<br>доктори.            |
| 5.  | Асатуллаев Хуршид<br>Суннатуллаевич               | Тошкент молия институти, кафедра<br>мудири, иқтисодиёт фанлари номзоди,<br>профессор.                |
| 6.  | Мамарахимов Бекзод<br>Эркинович                   | Тошкент давлат иқтисодиёт университети,<br>кафедра доценти, иқтисодиёт фанлари<br>номзоди.           |
| 7.  | Расулев Алишер<br>Файзиевич                       | Тошкент давлат иқтисодиёт университети,<br>кафедра профессори, иқтисодиёт фанлари<br>доктори.        |

Ваколат муддати 2023 йил «31» декабргача белгилансин.

Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети ҳузуридаги  
DSc.03/30.01.2021.1.16.03 рақамли  
илмий кенгаш раиси  
Г.К. Абдурахманова



«        » 2021 й.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК раиси  
А.Т. Юсунов



«        » 2021 й.

**08.00.01 - “ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ”**  
**ихтисослиги бўйича**  
**МАЛАКАВИЙ ИМТИХОН ДАСТУРИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси  
Иқтисодиёт фанлари бўйича эксперт кенгашининг  
қарори билан тавсия этилган (*Раис: 31.07.2022, № 311/8*)

Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети хузуридаги  
DSc.03/30.01.2021.1.16.03 рақамли  
илмий кенгаши раиси  
Г.К. Абдурахманова



«    » \_\_\_\_\_ 2021 й.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси хузуридаги ОАК раиси  
А.Т. Юсунов



«    » \_\_\_\_\_ 2021 й.

**08.00.01 - “ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ”**

**ихтисослиги бўйича**

**МАЛАКАВИЙ ИМТИҲОН ДАСТУРИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси  
Иқтисодиёт фанлари бўйича эксперт кенгашининг  
қарори билан тавсия этилган (Раёс 31.01.2022, № 31/18)

**ТОШКЕНТ – 2022**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**08.00.01 - “ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ”**

**ихтисослиги бўйича**

**МАЛАКАВИЙ ИМТИҲОН ДАСТУРИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

Дастур Тошкент давлат иқтисодиёт университети 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_даги  
Кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

Дастур Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Фундаментал иқтисодиёт”  
кафедрасининг 2022 йил “01” мартдаги 26-сон йиғилишида муҳокама қилинган ва  
тавсия этилган

**Кафедра мудири \_\_\_\_\_Б.Хажиев**

**Тузувчилар:** и.ф.д., проф. Ш.Шодмонов  
и.ф.н., доц. Б.Д. Хажиев  
и.ф.н., доц. Б.Э. Мамарахимов

**Такризчи:** и.ф.д., проф. А.Ф. Расулев

## К И Р И Ш

Таянч докторантура (PhD) учун “Иқтисодиёт назарияси” курси бўйича мазкур дастур Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланган намунавий дастури асосида тайёрланди.

Кейинги йилларида юзага келаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг вужудга келиши ва уларнинг муваффақият билан ҳал этилиши, макроиқтисодий мувозанатни таъминланиши, дастлаб иқтисодий пасайишни бартараф этилиши ва сўнгра иқтисодий ўсишга эришиш давлатимиз иқтисодий сиёсати чуқур ўйланган ва илмий асосланган эканлигидан далолат беради. Бу борада мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев “Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз”<sup>1</sup>, деб таъкидлаган.

Шу билан бирга бугунги ижтимоий-иқтисодий вазиятда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш механизмини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ялпи ишлаб чиқаришининг барқарор ўсишини, ресурсларнинг тўлиқ бандчилигини, инфляциянинг паст суръатларини ва тўлов балансининг мувозанатини таъминлаш нуқтаи назаридан мамлакат иқтисодиётини бир бутун ҳолда тадқиқ қилиш ва уни макроиқтисодий тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини ўрганиш “Иқтисодиёт назарияси” фанининг предметини ташкил этади. Бу таърифдан кўриниб турибдики, “Иқтисодиёт назарияси” фани иқтисодиёт ҳодиса ва жараёнларнинг амал қилиш ўи билан боғлиқ барча жиҳатларни, жумладан ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмолни амалга ошириш ҳамда бошқа масалаларни қамраб олади.

Тадқиқотчилар ихтисослик фанидан (“Иқтисодиёт назарияси” қисми) кириш имтихонларига тайёрланиш жараёнида:

- иқтисодиёт назарияси асосларини; миллий иқтисодиётнинг амал қилиши ва ривожланиши қонуниятларини; макроиқтисодий даражадаги вазиятларни; иқтисодий жараёнларнинг амал қилиш хусусиятларини **билиши керак**;

- иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни таҳлил қилиш усулларини билган ҳолда самарали қўллаш; иқтисодий қонунларни, илмий тушунчалар (категориялар)нинг амал қилиш хусусиятларини, механизмларини билган ҳолда иқтисодий муаммолар бўйича ечимлар қабул қилиш хулосалар чиқариш **кўникмаларига эга бўлиши керак**;

- иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни таҳлил қилишда иқтисодий моделларни қўллаш; иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш; иқтисодий сиёсатнинг ижобий ва салбий оқибатларига баҳо бериш; иқтисодий сиёсатнинг натижаларини таҳлил қилиш **малакаларига эга бўлиши керак**.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>.

## **ДАСТУР МАВЗУЛАРИ**

### **“Иқтисодиёт назарияси”га кириш**

Иқтисодиёт тушунчаси ва турлари. Иқтисодий фаолиятнинг мазмуни. Такрор ишлаб чиқаришнинг мазмуни ва фазалари: ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш, истеъмол. Эҳтиёжларнинг мазмуни ва уларнинг туркумланиши. Эҳтиёжларнинг ўсиб бориши қонуни. Иқтисодий ресурсларнинг мазмуни ва туркумланиши. Иқтисодий ресурслар ва эҳтиёжларнинг қондирилиш даражаси ўртасидаги боғлиқлик. Иқтисодиёт олдидаги муаммолар.

Иқтисодиётга оид билимларнинг шаклланиши ва ривожланиши. Қадимги Шарқ ва Ғарб халқларидаги иқтисодий ғоялар. Иқтисодиёт назариясининг фан сифатида шаклланишидаги асосий оқимлар: меркантилизм, физиократлар, инглиз классик иқтисодий мактаби, марксизм ва маржинализм. Ҳозирги замон иқтисодиёт назариясидаги асосий оқимлар.

Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети тўғрисида турлича ёндашувлар. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети. Иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар. Моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнидаги иқтисодий муносабатлар.

Иқтисодиёт назарияси фанининг вазифалари. Иқтисодиёт назариясининг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги. Иқтисодиёт назарияси – барча иқтисодий фанларнинг услубий пойдевори ва давлат иқтисодий сиёсатининг илмий асоси эканлиги. Ҳозирги замон иқтисодий тафаккурининг шаклланишида, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларини таҳлил қилиш ва билишда иқтисодиёт назарияси фанининг роли. Иқтисодиёт назарияси фанининг талаба-ёшлар онгида илмий дунёқарашни шакллантиришда ва миллий истиқлол ғоясини сингдиришдаги аҳамияти. Иқтисодий қонунлар ва категориялар. Иқтисодий қонунларнинг туркумланиши.

### **Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг натижалари**

Ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг туркумланишига турлича ёндашувлар. Ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирининг ўрнини босиши.

Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмуни ва унинг иқтисодий асослари. Ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилиши. Ишлаб чиқариш жараёнининг икки томони. Қисқа ва узоқ даврдаги ишлаб чиқариш. Ишлаб чиқаришнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ўзаро боғлиқлиги. Товар ва хизматлар нафлилиги ва қийматининг яратилишида ишлаб чиқариш омилларининг роли.

Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари. Ялпи ижтимоий маҳсулот. Такрорий ҳисоб. Оралиқ маҳсулот, пировард маҳсулот, қўшилган маҳсулот, соф маҳсулот. Зарурий ва қўшимча маҳсулот. Қўшимча маҳсулот нормаси ва массаси. Қўшимча маҳсулотнинг зарурлиги ва аҳамияти. Ишлаб чиқариш функцияси. Умумий, ўртача ва сўнгги қўшилган маҳсулот, уларни

ҳисоблаш тартиби. Сўнгги қўшилган омил унумдорлиги. Унумдорликнинг пасайиб бориши қонуни.

Ишлаб чиқариш имкониятлари тушунчаси. Тўла бандлик. Ишлаб чиқариш имкониятлари чегараси. Ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизиги. Муқобил харажатлар. ФТТ ва ишлаб чиқариш имкониятлари чегарасининг кенгайиши. Ўзбекистонда 2022-2026 йилларда юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги. Иқтисодий ресурсларни тежаш қонуни. Меҳнат унумдорлиги ва унга таъсир қилувчи омиллар. Самарадорликни белгиловчи кўрсаткичлар тизими. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш омиллари: ФТТнинг эволюцион ва революцион шакллари, мамлакатимизда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификация қилиш жараёнларининг давом эттирилиши. Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев маърузаларида ва Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Тараққиёт стратегиясида ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши ва унинг сабаблари. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсати.

### **Иқтисодий тизимлар ва мулкчилик муносабатлари**

Ижтимоий-иқтисодиёт тараққиёт босқичларини билишга турли хил ёндашувлар: тарихий-формацион, маданийлашиш (цивилизация) даражаси, техника ва технологик даражаси, иқтисодий тизимлар ўзгариши жиҳатидан ёндашув. Жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучлари. Ишлаб чиқариш муносабатлари. Ишлаб чиқариш усули. Ижтимоий-иқтисодий формация. Цивилизациянинг тарихий ривожланиш типлари. Цивилизацияларнинг алмашуви назарияси. Ишлаб чиқаришнинг технологик усули. Оддий кооперация, мануфактура ва йирик машиналашган ишлаб чиқариш. Индустрлашишгача бўлган жамият, индустрлашган жамият, юқори индустрлашган (ахборотлашган) жамият.

Иқтисодий тизим тушунчаси. Иқтисодий тизим моделлари: анъанавий иқтисодиёт, маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти, бозор иқтисодиёти. Бозор иқтисодиётининг босқичлари: эркин рақобатга асосланган ва ҳозирги замон бозор иқтисодиёти. Мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмуни. Мулк объекти ва субъекти. Мулкчиликнинг иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатлари. Мулк шакллариининг таснифланиши. Давлат мулки, жамоа мулки, шахсий мулк, хусусий мулк ва аралаш мулк.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишда мулкчиликнинг ўрни. Мулкчилик шакллариини ўзгартириш усуллари: миллийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш. Давлат мулкини хусусийлаштиришнинг усуллари.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишда мулкчиликнинг ўрни. Мулкчилик шакллариини ўзгартириш усуллари: миллийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш. Давлат мулкини хусусийлаштиришнинг усуллари. Ўзбекистон

Республикасида мулкчиликни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини амалга ошириш босқичлари.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида давлат мулкни хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш.

### **Товар-пул муносабатлари ривожланиши бозор иқтисодиёти шаклланиши ва амал қилишининг асосидир**

Ижтимоий хўжалик шакллари. Натурал ва товар ишлаб чиқаришнинг белгилари ва фарқлари. Товар ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши ва ривожланиши сабаблари.

Товар ва унинг хусусиятлари. Товарнинг нафлилиги ва айирбошланиш қобилияти (қиймати). Товар қийматининг миқдори. Индивидуал ва ижтимоий зарурий нафлилик. Индивидуал ва ижтимоий-зарурий меҳнат сарфлари. Ижтимоий-зарурий иш вақти. Меҳнатнинг икки ёқлама тавсифи: аниқ меҳнат ва абстракт меҳнат. Меҳнат унумдорлиги ва интенсивлигининг товар қиймати миқдorigа таъсири.

Қийматнинг меҳнат назарияси. Қиймат қонуни. Товар қиймати ва нархининг ўзаро фарқланиш шарт-шароитлари. Кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назарияси. Умумий ва аниқ нафлилик. Нафлиликнинг пасайиб бориши. Қийматнинг меҳнат назарияси ва кейинги қўшилган миқдор нафлилиги назариясининг ўзаро алоқаси ҳамда бир-бирини тўлдириши. Қиймат парадокси.

Пулнинг келиб чиқиши ва мазмуни. Пулнинг рационалистик ва эволюцион концепциялари. Қиймат шакллари. Пул тўғрисидаги металистик, номиналистик ва миқдорий назариялар. Пулнинг асосий вазифалари: қиймат ўлчови, муомала воситаси, жамғариш воситаси, тўлов воситаси. Нархлар ўлчови (масштаби). Ҳозирги замон пулининг табиати ва мазмуни. Олтин ва қоғоз пулларнинг ўзаро боғлиқлиги. Нақд ва кредит пулларнинг хусусиятлари.

Ўзбекистонда миллий валюта – сўмнинг муомалага киритилиши босқичлари ва уларнинг аҳамияти. Миллий валюта барқарорлигини ошириш вазифаларини ҳал этиш борасидаги давлат дастурлари.

### **Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва амал қилиши**

Бозор иқтисодиётининг мазмуни ва унинг ривожланиши. Бозор иқтисодиётининг субъектлари: уй хўжаликлари, тадбиркорлик сектори, давлат сектори ва банк. Бозор иқтисодиётининг асосий белгилари. Бозор тизимининг ўз-ўзини тартибга солувчи механизми. Классик ва ҳозирги замон бозор иқтисодиёти, уларнинг умумий томонлари ва фарқлари. Замонавий бозор хўжалиги моделлари.

Бозор иқтисодиёти шароитида доимий муаммоларни ҳал қилиш ва ресурслардан самарали фойдаланиш йўллари.

Бозор иқтисодиётининг афзалликлари. Ресурсларни тақсимлашнинг самарадорлиги. Иқтисодий фаолият ва танлов эркинлиги. Иқтисодий субъектлар ҳаракатининг таъминланиши. Бозор иқтисодиётининг бошқа ижобий жиҳатлари. Бозор иқтисодиётининг асосий зиддиятлари ва салбий жиҳатлари.

“Бозор” ва “бозор иқтисодиёти” тушунчаларининг ўзаро фарқланиши. Бозорнинг мазмуни ва асосий белгилари. Бозор механизми. Бозорнинг объектлари ва субъектлари. Бозорнинг вазифалари. Бозорнинг туркумланиши. Ресурслар, маҳсулотлар ва даромадларнинг доиравий айланиши.

Бозор инфратузилмаси. Бозор инфратузилмаси муассасаларини гуруҳлаш йўналишлари. Бозор инфратузилмаси таркиби.

### **Бозор иқтисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари**

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг мазмуни. Бозор иқтисодиётига ўтиш – барча мамлакатларга хос умумий жараён. Бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг революцион ва эволюцион шакллари. Маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг хусусиятлари. Ўтиш даврида бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.

Ўтиш даври иқтисодиётининг асосий белгилари. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг миллий моделлари. Мамлакатимиз Биринчи Президенти И.Каримовнинг раҳбарлигида ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг “ўзбек модели”, унинг тамойиллари ва хусусиятлари. “Ўзбек модели”да ҳозирги даврдаги жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларидан ҳимоя воситасининг мужассамлашганлиги. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичлари.

Иқтисодий ислохотларнинг мазмуни. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш концепцияси ва стратегияси ҳамда асосий йўналишлари. Иқтисодий ислохотларнинг босқичлари ва уларнинг вазифалари. Ўзбекистонда ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари.

Мамлакатни модернизациялаш жараёнининг мазмуни ва унинг бозор иқтисодиётига ўтишни таъминлашдаги роли. Модернизациялаш жараёнининг тамойиллари, асосий белги ва таркибий қисмлари. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари.

### **Талаб ва таклиф назарияси. Бозор мувозанати**

Талаб тушунчаси. Индивидуал талаб ва бозор талаби. Талаб қонуни. Гиффен самараси. Талаб эгри чизиғи. Талаб миқдорига таъсир қилувчи омиллар: истеъмолчи диди, бозордаги истеъмолчилар сони, уларнинг пул даромади, ўрнини босувчи товарлар нархи, келажакда нарх ва даромадларнинг ўзгариши эҳтимоли. Олий ва паст тоифали товарлар. Энгель қонуни. Энгель эгри чизиғи.

Таклиф тушунчаси. Таклиф қонуни. Таклиф эгри чизиғи. Таклиф миқдорига таъсир кўрсатувчи омиллар: ресурслар нархи, ишлаб чиқариш технологияси,

солиқлар ва субсидиялар, бошқа товарлар нархи, нарх ўзгаришининг кутилиши, ишлаб чиқарувчилар сони. Иқтисодий ресурсларга талаб ва таклифнинг хусусиятлари.

Талаб ва таклиф миқдорларининг мос келиши. Қисқа ва узоқ даврларда талабнинг ўзгариши. Бозор мувозанати. Хусусий ва умумий мувозанатлик. Талаб ва таклиф эгилувчанлиги ва уларни белгилаб берувчи омиллар.

Истеъмолчи ҳатти-ҳаракати назарияси. Истеъмолчининг афзал кўриши. Нафлилик функцияси. Сўнгги кўшилган нафлилик. Нафлиликни максималлаштириш қондаси. Истеъмолчининг мувозанатли ҳолати. Бефарқлик эгри чизиғи. Бефарқлик картаси. Истеъмолчи бюджетининг чекланганлиги. Бюджет чизиғи. Нарх ва даромадлар ўзгаришининг истеъмолчи танловига таъсири.

### **Рақобат ва монополия**

Рақобатнинг моҳияти ва объектив асослари. Рақобат мазмунига турли томондан ёндашув. Рақобатнинг вазифалари. Рақобатнинг турлари: тармоқ ичидаги ва тармоқлараро рақобат. Рақобат шакллари: соф рақобат, монополистик рақобат, олигополия ва соф монополия. Рақобатлашиш усуллари: нарх воситасидаги ва нархсиз рақобат, фирром ва ҳалол рақобат. Демпинг нархларни қўллаш. Рақобат курашининг замонавий шакллари: маҳсулот сифатини ошириш, маҳсулотни янгилаш, хизмат сифати, реклама, сервис, маркетинг.

Монополиянинг моҳияти ва унинг вужудга келиши сабаблари. Ишлаб чиқариш ва капиталнинг тўпланиши ва марказлашуви. Монополияларнинг турлари: соф монополия, олигополия, монопсония. Табиий монополиялар. Легалва сунъий монополиялар. Лернер коэффиценти. Монополистик бирлашмалар шакллари. Монополияларнинг афзалликлари ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари. Шумпетер гипотезаси. Давлатнинг монополияга қарши тадбирлари. Ривожланган мамлакатларда монополияга қарши сиёсат борасидаги тажрибалар. Монополияга қарши қонунчилик.

Ўзбекистонда рақобат муҳитини шакллантириш борасидаги чора-тадбирлар. Мамлакатимизда рақобат муҳитини кучайтиришнинг зарурлиги ва йўналишлари. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар. Мамлакатимизда 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайитириш.

### **Нархнинг моҳияти ва шаклланиш хусусиятлари**

Нархнинг мазмуни ва унинг объектив асослари. Нарх тўғрисидаги турли назариялар. Товардаги икки хил хусусиятларнинг нархлардаги ифодаси. Нархнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар. Бозор иқтисодиёти шароитида нархнинг вазифалари.

Нарх турлари: улгуржи ва чакана нархлар. Нуфузли, демпинг ва дотацияланган нархлар. Шартномавий, эркин ва тартибга солинувчи нархлар.

Худудий, миллий ва жаҳон бозори нархлари. Нарх диапазони. Нарх паритети. Нарх ташкил топишининг бозор механизми. Мукаммал рақобат шароитида нархнинг шаклланиш хусусиятлари. Сотувчи ва харидор нархлари. Монополия шароитида нархнинг шаклланиши. Оммавий таклиф бўйича нарх ўзгариши. Монопсония шароитида нархнинг шаклланиши. Оммавий талаб бўйича нархнинг ўзгариши. Олигополия шароитида нархнинг шаклланиши. “Эргашиш” ва “инкор этиш” ҳолатлари. Нарх бўйича етакчилик.

Нарх сиёсати ва унинг Ўзбекистонда амалга оширилиш хусусиятлари. Нархларни эркинлаштириш йўллари ва босқичлари.

### **Тадбиркорлик фаолияти ва унинг шакллари. Тадбиркорлик капитали ва унинг айланиши**

Тадбиркорлик фаолияти назариясининг ривожланиш босқичлари. Тадбиркорлик фаолиятининг мазмуни ва ривожланиш шарт-шароитлари.

Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари: давлат, жамоа, хусусий, аралаш ва бошқа шакллари. Корхона – тадбиркорлик фаолиятининг асосий ва бошланғич бўғини. Корхоналар фаолиятининг ташкил қилиниши. Акциядорлик жамияти ва акциядорлик капитали. Акция ва унинг турлари. Акция курси. Дивиденд ва таъсисчилар фойдаси. Назорат пакети. Облигациялар. Маркетинг, унинг мақсади, вазифалари ва тамойиллари. Менежмент - корхоналарни бошқариш тизими сифатида. Менежментнинг асосий мақсади ва вазифалари.

Ўзбекистонда кичик ва оилавий бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг янада эркинлаштирилиши, рағбатлантирилиши ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши. Ҳозирги даврда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожланишида барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, унга тўлиқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратилиши.

Тадбиркорлик капиталининг моҳияти. Тадбиркорлик капитали ва унинг ҳаракатидаги икки томонлама хусусиятнинг намоён бўлиши. Тадбиркорлик капиталининг функционал шакллари: пул, унумли капитал ва товар. Капиталнинг ҳаракат босқичлари. Тадбиркорлик капитали турли шаклларида доиравий айланиши.

Тадбиркорлик капиталининг айланиши. Асосий ва айланма капитал, уларнинг фарқли белгилари. Капиталнинг айланиш вақти ва тезлиги. Асосий капитални такрор ишлаб чиқариш: жисмоний, маънавий ва иқтисодий эскириши ва қайта тикланиши. Амортизация ва унинг нормаси. Жадаллашган амортизация. Асосий ва айланма капиталдан фойдаланиш самарадорлиги ва унинг кўрсаткичлари. Асосий капиталдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари. Тадбиркорлик капиталини ривожлантириш бўйича қабул қилинган қонунлар, фармонлар, қарорлар ва давлат дастурларининг амалга оширилиши.

### **Корхона (фирма) харажатлари ва фойдаси**

Ишлаб чиқариш харажатларини тадқиқ этишдаги ёндашувлар. Ижтимоий ишлаб чиқариш харажатлари. Корхона ишлаб чиқариш харажатлари. Ишлаб

чиқариш харажатларининг мазмуни, таркиби ва турлари. Бевосита ишлаб чиқариш харажатлари ва муомала харажатлари. Ички ва ташқи харажатлар. Доимий ва ўзгарувчи харажатлар. Ўртача ва умумий харажатлар. Сўнгги қўшилган харажатлар тушунчаси. Харажатларни минималлаштириш қоидаси. Қисқа ва узоқ муддатли даврда ишлаб чиқариш харажатлари. Натижалар ўзгаришига унумдорлик пасайиб бориши қонунининг таъсири. Ишлаб чиқариш миқёсининг ижобий самараси. Таннарх.

Корхона (фирма) нинг пул тушумлари ва фойдаси. Харажатлар ва даромадлар эгри чизиги. Зарар кўрмаслик нуқтаси. Умумий фойда. Фойда миқдорига таъсир кўрсатувчи омиллар. Маҳсулот қиймати таркиби. Ялпи фойданинг тақсимланиши. Иқтисодий фойда ва бухгалтерия фойдасининг фарқланиши. Меъёрадаги фойда. Соф фойда. Фойда нормаси ва массаси ҳамда уларни ҳисоблаш. Фойда нормасига таъсир кўрсатувчи омиллар.

Корхоналарнинг банкрот бўлиши (синиши) ва санация қилиниши. Корхоналар фойдасини максималлаштириш шarti ва уни кўпайтириш йўллари. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ва унинг устувор йўналишларида белгиланган маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда маҳсулотлари самарадорлигини ошириш бўйича белгиланган асосий вазифалар.

### **Иш ҳақи ва меҳнат муносабатлари**

Яратилган маҳсулот ва даромадларнинг тақсимланиш тамойиллари. “Ишлаб чиқаришнинг уч омили”, қўшилган омил унумдорлиги ва бошқа назариялар. Мазкур назарияларнинг камчиликлари. Яратилган маҳсулотни тақсимлашнинг асосий йўналишлари.

Иш ҳақи тўғрисида турлича назариялар. Иш ҳақининг иқтисодий мазмуни. Номинал ва реал иш ҳақи. Реал иш ҳақининг даражаси ва ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар. Иш ҳақининг табақаланиши. Иш ҳақини ташкил қилиш шакллари ва тизимлари. Тариф тизими. Минимал иш ҳақи.

Меҳнат муносабатлари. Меҳнат шартномалари. Касаба уюшмаларининг тадбиркорлар ва давлат билан ўзаро муносабатлари. Касаба уюшмаларининг иш ҳақи даражасини ошириш йўллари. Ишчи кучи талаби ва таклифини ўзгартириш. Жамоа шартномалари ва ижтимоий суғурта тизими. Очиқ ва ёпиқ турдаги касаба уюшмаларининг иш ҳақи даражасига таъсири. Меҳнат муносабатларини тартибга солишда давлатнинг роли.

Давлатнинг иш ҳақи сиёсати. Республикада меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақини кўпайтириш ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган сиёсатни амалга оширилиши. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини изчил ошириш.

### **Аграр муносабатлар ва агробизнес**

Аграр муносабатлар ва уларнинг бозор тизимидаги хусусиятлари. Ернинг ресурс сифатидаги ўзига хос хусусиятлари. Ернинг табиий ва иқтисодий

унумдорлиги. Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари. Ер – мулкчилик ва хўжалик юритиш объекти. Ерга эгалик ва ердан фойдаланиш ҳуқуқи.

Ер рентаси мазмунига бўлган турли хил ёндашувлар ва ер рентасининг тарихий шакллари. Ер рентасининг мазмуни ва турлари: дифференциал рента, абсолют рента, монопол рента, ундирма саноат ва қурилиш участкаларидан олинадиган рента. Ижара ҳақи. Ернинг нархи ва уни белгиловчи омиллар.

Агросаноат интеграцияси. Агробизнес ва унинг турлари. Дехқон ва фермер хўжаликлари. Агрофирма, агросаноат комбинати.

Ўзбекистонда аграр ислохотларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистонда ерга мулкчилик муносабатлари. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чоралари. Томорқа хўжаликларининг кенгайтирилиши. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши таркибий тузилишини такомиллаштириш. 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

### **Миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий ўлчамлари.**

#### **Ялпи ички маҳсулот ва унинг ҳаракат шакллари**

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ва миллий иқтисодиётнинг шаклланиши. Миллий иқтисодиётнинг мазмуни ва унинг тузилиши. Макроиқтисодиёт. Макроиқтисодий таҳлил ва унинг вазифалари. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар.

Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш. Миллий маҳсулотнинг иқтисодий мазмуни ва унинг ҳаракат шакллари. Ялпи миллий маҳсулот ва ялпи ички маҳсулот. Номинал ва реал ялпи ички маҳсулот. Нарх индекси. Ялпи ички маҳсулотнинг таркибий тузилиши. Соф миллий маҳсулот, миллий даромад ва шахсий даромад. Хуфёна иқтисодиёт, унинг ўлчамлари ва намоён бўлиш шакллари. Миллий маҳсулот (ЯИМ) ни кўпайтириш омиллари ва йўллари.

Миллий ҳисоблар тизими. ЯИМни ҳисоблашга қўшилган қийматлар бўйича ёндашув. ЯИМни ҳисоблашга сарф-харажатлар бўйича ёндашув. Уй хўжаликларининг истеъмол сарфлари. Инвестицион сарфлар. Давлат сарфлари. Чет элликларнинг сарфлари. ЯИМни ҳисоблашга даромадлар бўйича ёндашув.

Ўзбекистон иқтисодиёти етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш миллий маҳсулотни кўпайтиришнинг устивор йўналиши сифатида.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ЯИМни кўпайтириш стратегияси ва уни амалга ошириш имкониятлари.

#### **Ялпи талаб ва ялпи таклиф**

Ялпи талаб тушунчаси ва унинг таркиби. Ялпи талаб эгри чизиғи. Ялпи талаб миқдорига таъсир этувчи омиллар: истеъмол сарфларидаги ўзгаришлар, инвестицион сарфлар, давлат сарфлари, соф экспортдаги ўзгаришлар.

Ялпи таклиф тушунчаси ва унинг таркиби. Ялпи таклиф эгри чизиғи. Ялпи таклиф эгри чизиғидаги ётиқ, оралиқ ва тик кесмалар. Ялпи таклиф миқдорига таъсир қилувчи омиллар: ресурслар нархининг ўзгариши, самарадорликнинг ўзгариши, ҳукукий меъёрларнинг ўзгариши.

Ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги мувозанат ва унинг ўзгариши. AD-AS модели. Ялпи талаб ва ялпи таклиф эгри чизиқларининг кесишиши. Храповик самараси. Миллий бозорнинг тўйинганлик даражаси. Тақчилликнинг иқтисодий табиати ва уни бартараф қилиш йўллари.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этиб турган ва айрим мамлакатлар ўртасида зиддият кучайган ҳозирги шароитда ялпи талабнинг қисқариши. Ялпи талабнинг ошишини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари.

### **Истеъмол, жамғарма ва инвестициялар**

Истеъмолнинг мазмуни ва унинг турлари. Истеъмол фонди ва истеъмол сарфлари. Жамғарма ва унинг мақсади. Истеъмол ва жамғарма ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши. Истеъмол ва жамғарма даражасини белгиловчи омиллар. Истеъмол ва жамғарма функцияси. Истеъмол ва жамғарма ҳажмига даромаддан ташқари таъсир кўрсатувчи омиллар. Истеъмол ва жамғармага мойиллик, ўртача мойиллик, кейинги қўшилган мойиллик ҳамда уларни аниқлаш.

Жамғаришнинг мазмуни ва унинг манбалари. Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мақсадидаги жамғариш. Жамғариш нормаси. Номинал ва реал жамғариш.

Инвестицияларнинг мазмуни ва вазифалари. Инвестицияларнинг манбалари ва тузилиши. Инвестицияларга сарфлар даражасини белгиловчи омиллар. Ялпи ва соф инвестициялар. Ялпи инвестиция ва амортизация нисбати ўзгаришининг иқтисодиётга таъсири. Инвестиция функцияси.

Жамғарма ва инвестиция ўртасидаги нисбат. Жамғарма ва инвестиция ўртасидаги мувозанатнинг классик ва кейнсча моделлари, улар ўртасидаги фарқлар.

Ўзбекистонда инвестицион фаолиятни таъминлаш ва унинг шарт-шароитлари. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда ички инвестиция манбаларни сафарбар этиш ва чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг аҳамияти. Таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилиши ва такомиллаштирилиши. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш.

### **Иқтисодий тараққиёт, иқтисодий ўсиш ва миллий бойлик.**

Иқтисодий тараққиётнинг мазмуни ва кўрсаткичлари. Иқтисодий тараққиётнинг иқтисодий ўсишдан фарқли жиҳатлари. Иқтисодий тараққиётнинг экстенсив ва интенсив турлари. Иқтисодий ўсиш назариялари, концепция ва моделлари. Иқтисодий ўсишнинг кейнсча ва некейнсча моделлари. Кобб-Дуглас

моделининг мазмуни. Р.Харрод ва Е.Домар моделлари. В.Леонтьевнинг “ҳаражатлар-натижалар” модели. “Ноль даражадаги иқтисодий ўсиш” концепцияси.

Иқтисодий ўсишнинг мазмуни, мезонлари ва кўрсаткичлари. Иқтисодий ўсиш суръати. «70 миқдори қондаси». Иқтисодий ўсишнинг алоҳида томонларини тавсифловчи кўрсаткичлар. Иқтисодий ўсишнинг омиллари. Кейинги қўшилган ишлаб чиқариш омиллари унумдорлиги кўрсаткичлари. Реал маҳсулот ўсишини аниқлаб берувчи омиллар.

Миллий бойлик ва унинг таркибий қисмлари. Моддий-буюмлашган, номоддий (интеллектуал) ва табиий бойлик. Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва иқтисодий ўсиш муаммолари. Иқтисодий ўсиш самарадорлигини таъминлашда табиий, моддий ва молиявий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишнинг аҳамияти.

Мамлакатимизда 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мўлжалланган кенг кўламли дастурларни амалга ошириш асосида иқтисодий ўсишнинг узок муддатли барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш.

### **Миллий иқтисодиётнинг мувозанатли ва мутаносибли ривожланиши**

Иқтисодий мувозанат тушунчаси. Умумиқтисодий ва хусусий мувозанатлик. Турғун ва муттасил ривожланиб боровчи мувозанатлик. Иқтисодий мувозанатлилик даражасини аниқлаш усуллари. Иқтисодий мувозанатнинг амал қилиш тамойиллари ва намоён бўлиш шакллари.

Иқтисодий мутаносиблик ва унинг турлари. Мутаносибликларнинг таснифланиши. Мутаносибликларни таъминлаш орқали миллий иқтисодиётнинг мувозанатли ривожлантирилиши.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг таркибий ўзгартириш, диверсификациялаш модернизациялаш асосида мутаносибли ривожлантирилиши. Макроиқтисодий барқарорлаштириш сиёсатининг амалга оширилиши. Ҳаракатлар стратегияси бўйича миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш.

### **Иқтисодиётнинг циклиги ва макроиқтисодий беқарорлик**

Иқтисодий ривожланишдаги номутаносибликлар ва уларнинг намоён бўлиш шакллари. Иқтисодиётнинг цикли ривожланиши. Иқтисодий цикл фазалари. Циклик тебранишлар.

Иқтисодий цикл назариялари. Экстернал ва интернал назариялар. Соф монетар назария. Етарлича истеъмол қилмаслик назарияси. Жамғариш назарияси. Психологик назария. Иқтисодий цикл турлари.

Иқтисодий инқирознинг мазмуни, сабаблари ва турлари. Пул-кредит соҳасидаги инқироз, валюта инқирози, биржа инқирози, экологик инқироз, тармоқлар инқирози, таркибий инқироз, аграр инқироз. Даврий, оралик, номунтазам инқирозлар. Ортиқча ишлаб чиқариш ва тақчил ишлаб чиқариш

инкирозлари. Ривожланган мамлакатларнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозида чикиш борасидаги чора-тадбирлари.

Инкирозларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар. Ўзбекистонда инкирозга қарши кўрилган чораларининг аҳамияти.

### **Ишчи кучи, унинг бандлиги ва ишсизлик**

Ишчи кучининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни. Ишчи кучининг такрор ишлаб чиқарилиши. Ишчи кучининг миқдор ва сифат жиҳатдан аниқланиши. ФТТнинг ишчи кучини сифат жиҳатдан такомиллашувига таъсири. Нуфус қонуни. Аҳолининг табиий ўсиши. Ишчи кучи миграцияси ва унинг шакллари.

Ишчи кучи бозори. Ишчи кучига талаб ва таклиф ҳамда уни аниқловчи омиллар. Ишчи кучининг нафлилиги ва қиймати. Ишчи кучи бозорининг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари. Филлипс эгри чизиғи. Ишчи кучининг айрим соҳалардан бўшаши ва уни қайта тақсимлашнинг бозор механизми.

Ишчи кучи бандлиги тўғрисида турли хил назариялар. Неоклассик, кейнсча, монетаристик, институционал-социологик мактаб концепциялари. Шартномага асосланган бандлик назарияси. Бандлик моделлари. Мослашувчан ишчи кучи бозори концепцияси.

Ишсизлик ва унинг турлари. Фрикцион, таркибий ва циклик ишсизлик. Институционал, технологик, ҳудудий, яширин, турғун ишсизлик. Ишсизликнинг табиий даражаси. Ишсизлик даражаси ва уни аниқлаш. Ишсизликнинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатлари. А.Оукен қонуни. Ишсизлик ва инфляциянинг ўзаро боғлиқлиги.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ишчи кучи бандлигини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш, ишчи кучи бозори мутаносиблиги ва инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари.

### **Молия тизими ва молиявий сиёсат**

Молиянинг мазмуни ва аҳамияти. Молиявий муносабатларнинг объектлари ва субъектлари. Молиянинг вазифалари. Молия тизими ва унинг бўғинлари. Давлат бюджети ва унинг молиявий ресурсларни шакллантиришдаги аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг тузилиши.

Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари таркиби ҳамда уларнинг эгри чизиғи. Бюджет тақчиллиги ва давлат қарзлари, уларнинг иқтисодиётга таъсири. Давлат ички қарзи. Давлат кредити. Давлат ташқи қарзи. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш.

Бозор иқтисодиёти шароитида солиқлар ва унинг вазифалари. Солиқ солиш тамойиллари. Солиқ имтиёзлари. Солиқларнинг туркумланиши. Лаффер эгри чизиғи. Солиқ юки ва унинг даражасини аниқлаш. Солиқ юкининг тақсимланиши. Молиявий сиёсат. Фискал (солиқ-бюджет) сиёсат.

Ўзбекистонда солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ҳамда унификация қилиш.

### **Пул-кредит тизими. Банклар ва уларнинг бозор иқтисодиётидаги роли**

Пул муомаласи. Пул тизими ва унинг таркибий қисмлари. Муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлаш ва унга таъсир этувчи омиллар. Пул муомаласи қонунлари. Пулнинг айланиш тезлиги. Пул миқдорини аниқлашга турлича ёндашувлар.  $MV=PQ$  тенгламасининг амал қилиши. Пул агрегатлари. Пул бозорида талаб ва таклиф. Пул таклифи ва унинг мультипликатори.

Инфляция ва унинг келиб чиқиш сабаблари. Инфляция даражаси ва суръати. Талаб ва таклиф инфляцияси. Инфляция турлари: ўрмалаб боровчи, жадал ва гиперинфляция. Инфляциянинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, Давлатнинг инфляцияга қарши сиёсати.

Кредитнинг моҳияти, вазифалари ва турлари. Кредит муносабатларининг объектлари ва субъектлари. Кредит ресурсларининг манбалари. Кредит бериш таъминоти. Фойз ставкаси ва унинг даражасини аниқловчи омиллар. Кредит-пул тизимини давлат томонидан тартибга солиш.

Банкларнинг иқтисодий мазмуни. Банк тизими. Марказий банк ва унинг вазифалари. Тижорат банклари ва уларнинг вазифалари. Банк операциялари ва банк фойдасининг ҳосил бўлиши. Банк тизимининг такомиллаштирилиши. IS–LM моделида бюджет-солиқ ва пул кредит сиёсати.

Ўзбекистонда миллий валютани мустаҳкамлаш сиёсатининг амалга оширилиши. Сўмнинг харид қувватини ошириб бориш ва барқарорлигини таъминлаш. Инфляцияга қарши аниқ ўйланган сиёсат ўтказиш. Пул миқдорининг ўсишини товарлар ва хизматлар миқдорининг тегишли даражада ўсиши билан боғлаб олиб бориш. Миллий валюта алмашув курсининг барқарорлигига эришиш. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш.

### **Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлатнинг роли**

Иқтисодиётни тартибга солишнинг моҳияти ва зарурлиги. Иқтисодиётни тартибга солишнинг классик, монетаристик, кейнсча назариялари.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади. Давлатнинг иқтисодий ўрни ва вазифалари: бозор муносабатлари қатнашчиларини ҳуқуқий ҳимоялаш, рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш; ресурслар, маҳсулотлар ва даромадларни қайта тақсимлаш; иқтисодиётнинг ва пул муомаласининг барқарорлигини таъминлаш; ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш. Фан-техника тараққиёти, таркибий, ижтимоий ва минтақавий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг ўрни.

Давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги бевосита ва билвосита усуллари. Иқтисодиётнинг давлат сектори ва унинг чегаралари. Давлат

